

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10557225>

### **Жамбилов Мансур Расулжонович**

*“Ислом тарихи ва манбашунослиги IRCICA” кафедраси  
I босқич таянч докторантси, Тошкент ислом институти  
“Хадис ва Ислом тархи фанлари” кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** Имом Воқидий яшаган давр, набавий сийратни ўрганиш орқали у зотни яхшироқ таниб олиш;

Имом Воқидий ёзган асарлардан боҳабар бўлиш; исломий нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда тарих борасида асар ёзишдаги Имом Воқидий намоён қилган йўналишни баён қилиб бериш

**Калит сўзлар:** Муҳаммад ибн Умар Воқидий, устозлари, шогирдлари, маънавият ва турли илмлар, Ироқ мадрасаси, ислом тарихи.

### **УСТОЗЛАРИ**

Шубҳасиз Воқидий яшаган давр мусулмонлари Росулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васалламнинг хабарларига кўп эътибор қаратган ва илм толиблари ҳам кўп эди. Бироқ улардан озвилигигина набавий сийратни ёзиш ва тадвин қилиш борасида мутахассис эди. Воқидий ўша кезларда Росулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васалламнинг ва у зотдан сўнг хулафои рошидинларнинг ҳаётида содир бўлган ҳодисалар ҳақида ёзган асарлари билан яққол кўзга ташланган еди.<sup>25</sup>

Баъзи манбааларда<sup>26</sup> Воқидийнинг устозлари ҳақида зикр қилинади. Улар:

1. Ибн Абу Зиъб. Абул Ҳорис Муҳаммад ибн Абдураҳмон ибн Муғирийа ибн Абу Зиъб ал-Қураший ал-Омирий ал-Маданий. У фақих, сабт (ишончли), обид, ўз замонасининг шайхи бўлган ва кўпчиликдан ҳадис ривоят қилган. Ҳижрий 80-йилда туғилган. Ўта парҳезкор ва фазилатли инсон бўлган. Ҳижрий 159-йилда (мил.776.й) вафот этган.<sup>27</sup>

2. Ибн Абу Сабро. Абу Бакр ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абу Сабро ал-Қулоший ал-Омирий. Кўп ривоят қилган олим. Бироқ ҳадис бобида матрук ( rivояти мақбул бўлмаган) ровийдир. Халифа Мансур уни қозилик лавозимига тайинлаган. У кўплаб ровийлардан ривоят қилган<sup>28</sup>. Ҳижрий 162-йилда (мил.779.й) вафот этган<sup>29</sup>.

<sup>25</sup> “Воқидий ва унинг Муҳаммад алайҳиссаломнинг сийратини ёзишдаги услуби”. Гуманитар фанлар факултети журнали. -Ироқ: Мавсил университети., 2009. -3Ж.15Б.

<sup>26</sup> Ибн Саъд Муҳаммад ибн Маниъ ал-Басрий аз-Зуҳрий. Ат-тобақот ал-кубро.-Байрут/Ливан: “Дару Содир” нашриёти, 1405/1985.-Ж. V I I .-Б.335.

<sup>27</sup> Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Захабий. Тазкирот ал-хуффоз.-Саудия Арабистони: “Дару ихя ат-турос ал-арабијй” нашриёти, 1374/1954.-Ж. I .-Б.191,193.

<sup>28</sup> Ибн Ҳажар Аҳмад ибн Али ал-Асқалоний. Лисан ал-мийзан.-Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-исламийя,-Ж. V I I .-Б.495.

3. Абу Маъшар ас-Санадий.<sup>30</sup>

4. Абу Зайд Усома ибн Зайд ал-Лайсий ал-Маданий. Лайсийларнинг мавлоси бўлган. Ҳадиси кучли ростгўй<sup>31</sup>, кўп ровийлардан ривоят қилган. Ҳижрий 153-йилда (мил. 770.й.) вафот этган.<sup>32</sup>

5. Афлаҳ ибн Ҳумайд ибн Нофеъ ал-Ансорий. Сафвон ибн авс ал-Нажорий ал-Ансорий ал-Маданийнинг мавлоси бўлган. Абу Абдураҳмон куняси билан машҳур. Унга “Ибн Суфайро” деб ҳам айтилган<sup>33</sup>. Сиқа (ишончли) ровий<sup>34</sup>. Ҳижрий 158-йилда (мил. 775.й.) вафот этган.<sup>35</sup>

6. Абу Холид Савр ибн Язид. Шом аҳлидан бўлган, фақих, муҳаддис. Ҳимс диёрининг олими.<sup>36</sup> Кўплаб ровийлардан ривоят қилган.<sup>37</sup> Илм булоғи бўлган, ростгўй, ҳадиси сахиҳ олим. Ҳижрий 155-йилда (мил. 772.й.) етмиш ёшида Байтул мақдисда вафот этган<sup>38</sup>.

7. Робиъа ибн Усмон ибн Робиъа ат-Таймий. Абу Усмон ал-Маданий. Ҳадиси оз сабт ва сиқа ровий бўлган. Унинг талафузида оғирлик бўлган. Ҳижрий 154-йилда (мил. 771.й.) етмиш етти ёшида Мадинаи мунаавварада вафот этган<sup>39</sup>. Бир гуруҳ ровийлардан ривоят қилган.<sup>40</sup>

8. Суфён Саврий. Суфён ибн Сайид ибн Масруқ Абу Абдуллоҳ ас-Саврий ал-Куфий. Ҳофиз, имом Абу Абдуллоҳ ал-Куфий таниқли имомлардан бири. Журжон қишлоқларининг бирида туғилиб, сўнгра Куфага сафар қилган. Ҳижрий 161-йилда (мил. 778.й) вафот этган<sup>41</sup>. Бир гуруҳ ровийлардан ривоят қилган<sup>42</sup>.

<sup>29</sup> Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Мұхаммад Аввома таҳқиқи. Ал-кашиф фий маърифати ман лаҳу риваятун фил кутуб ас-ситта..-Жидда/Саудия Арабистони: “Дар ал-қиблалис-сақоғат ал-исламийя”, 1413/1992.-Ж. I I .-Б.411.

<sup>30</sup> Мұхаммад ибн Усмон ибн Аҳмад аз-Заҳабий. Шуайб Арнаут, Ҳусайн ал-Асад таҳқиқи. Сијару аълам ан-нубало.-Байрут/Ливан: “Муассасат ар-рисала” нашриёти, 1401/1971.-Ж. V I I .-Б.435.

<sup>31</sup> Сулаймон ибн Халаф ибн ал-Моликий ал-Бажий. Аҳмад Баззор таҳқиқи. Ал-жарху ват-таъдил лиман хоррожа анҳу ал-Бухорий..-Мағриб: Визарот ал-авқоғ ваш-шуун ал-исламийя.-Ж. I .-Б.400.

<sup>32</sup> Исмоил ибн Иброҳим ал-Жўфий ал-Бухорий. саййид Хошим ан-Надавий таҳқиқи. Ат-тарих ал-қабир..-Байрут/Ливан: “Дар ал-ғикр” нашриёти,-Ж. I I -Б.22.

<sup>33</sup> Абуҳасан Юсуф ал-Миззий. Башшор Аввод Маъруф таҳқиқи. Таҳзиб ал-камал фий асма ар-рижал. -Байрут/Ливан: “Муассасат ар-рисала” нашриёти, 1413/1992.-Ж. I I I .-Б.321.

<sup>34</sup> Мұхаммад ибн Ҳиббон ибн Аҳмад Абу Ҳотим. Шарофиддин Аҳмад таҳқиқи. Ас-сиқот. -Байрут/Ливан: “Дар ал-ғикр” нашриёти, 1391/1975-Ж. V I ..-Б.73.

<sup>35</sup> Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Мұхаммад Аввома таҳқиқи. Ал-кашиф фий маърифати ман лаҳу риваятун фил кутуб ас-ситта..-Жидда/Саудия Арабистони: “Дар ал-қиблалис-сақоғат ал-исламийя” нашриёти, 1413/1992.-Ж. I .-Б.255.

<sup>36</sup> Жалолиддин Абдураҳмон ибн Абу Бакр ас-Сүютий. Тобақот ал-хуффоз.-Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, 1403/1982.-Ж. I .-Б.84.

<sup>37</sup> Абуҳасан Юсуф ал-Миззий. Башшор Аввод Маъруф таҳқиқи. Таҳзиб ал-камал фий асма ар-рижал. -Байрут/Ливан: “Муассасат ар-рисала” нашриёти, 1413/1992-Ж. I V .-Б.418.

<sup>38</sup> Мұхаммад ибн Ҳиббон ибн Аҳмад Абу Ҳотим. Шарофиддин Аҳмад таҳқиқи. Ас-сиқот..-Байрут/Ливан: “Дар ал-ғикр” нашриёти, 1391/1975.-Ж. VI -Б.129.

<sup>39</sup> Ибн Ҳажар Аҳмад ибн Али ал-Аскalonий. Ал-исоба фий тамииз ас-соҳаба..-Байрут/Ливан: “Дар ал-ғикр” нашриёти, 1398/1978.-Ж. I I -Б.470.

<sup>40</sup> Мұхаммад ибн Ҳиббон ибн Аҳмад Абу Ҳотим. Шарофиддин Аҳмад таҳқиқи. Ас-сиқот..-Байрут/Ливан: “Дар ал-ғикр” нашриёти, 1391/1975.-Ж. VI .-Б.301.

<sup>41</sup> Ҳамза ибн Юсуф ибн Иброҳим ас-Саҳмий. Мұхаммад Абдулмажидхон таҳқиқи. Тарихи Журжон..-Байрут/Ливан: “Олам ал-кутуб” нашриёти, 1407/1987.-Ж. I .-Б.216.

<sup>42</sup> Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Мұхаммад Аввома таҳқиқи. Ал-кашиф фий маърифати ман лаҳу риваятун фил кутуб ас-ситта..-Жидда/Саудия Арабистони: “Дар ал-қиблалис-сақоғат ал-исламийя” нашриёти, 1413/1992.-Ж. I .-Б.449.

9. Заҳҳок ибн Усмон. Заҳҳок ибн Усмон ибн Абдуллоҳ ибн Холид ибн Ҳизом ал-Қуриший ал-Асадий, Абу Усмон ал-Маданий ал-Кабир. У тарихчи, сиқа ростгўй аллома бўлган. Ҳижрий 153-йилда (мил.772.й.) вафот этган.<sup>43</sup>

10. Абдулҳамид ибн Жаъфар ибн Абдуллоҳ ал-Ансорий ал-Авсий ал-Маданий. Бир гуруҳ ровийлардан ривоят қилган. Ҳадиси кўп, сиқа, ростгўй ровий бўлган. Ҳижрий 153-йилда (мил.772.й.) вафот этган.<sup>44</sup>

11. Абдураҳмон ибн Амр. Шайхул ислом Абу Амр ал-Авзойй, ҳофиз, фақих, зоҳид ва сиқа ровий бўлган. Илм ва ибодатда пешқадам бўлган. Бир гуруҳ ровийлардан ривоят қилган<sup>45</sup>. Ҳижрий 157-йилда (мил.774.й.) Сафар ойида вафот этган.<sup>46</sup>

12. Ибн Журайҳ. Абдулмалик ибн Абдулазиз ибн Журайҳ ал-Умавий. Имом, ҳофиз, Ҳарам шайхи ва кўплаб таснифотлар соҳиби. Абул Валид куняси билан танилган, маккий, сиқа ровий. Бир гуруҳ ровийлардан ривоят қилган<sup>47</sup>. Ҳижрий 151-йилда (мил.770.й.) вафот этган.<sup>48</sup>

13. Фулейҳ ибн Сулаймон ибн Абул Муғирия ал-Хузоъий. Фулейҳ асл исми Абдулмалик, Фулейҳ унинг лақаби ва кунясидир. У Зайд ибн Хаттобнинг мавлоси бўлган. Ростгўй, олим, ҳадиси заиф ровийдир. Ҳижрий 168-йилда (мил.785.й.) вафот этган.<sup>49</sup>

14. Касир ибн Зайд. Асламийларнинг мавлоси, Мадинаи мунаввара аҳлидан бўлган, куняси Абу Муҳаммад, ростгўй, баъзан хато қилиб турувчи ровийдир.<sup>50</sup> У Аслам уруғидан бўлган Бану Саҳмнинг мавлосидир.<sup>51</sup> Бир гуруҳ ровийлардан ривоят қилган.<sup>52</sup> Ҳижрий 158-йилда (мил.775.й.) вафот этган.<sup>53</sup>

<sup>43</sup> Ибн Саъд Муҳаммад ибн Маниъ ал-Басрий аз-Зухрий. Ат-тобақот ал-кубро.-Байрут/Ливан: "Дару Содир" нашриёти, 1405/1985.-Ж. V.-Б.422.

<sup>44</sup> Ибн Ҳажар Аҳмад ибн Усмон ал-Аскалоний. Муҳаммад Аввома таҳқики. Тақриб ат-таҳзиб..-Ҳалаб: "Дар ар-Ро.ид" нашриёти, 1408/1988.-Ж. I .-Б.333.

<sup>45</sup> Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Муҳаммад Аввома таҳқики. Ал-кашиф фий маърифати ман лаҳу риваятун фил кутуб ас-ситта.-Жидда/Саудия Арабистони: "Дар ал-қиблा лис-сақоғат ал-исламийя" нашриёти, 1413/1992.-Ж. I .-Б.638.

<sup>46</sup> Ибн Ҳажар Аҳмад ибн Усмон ал-Аскалоний. Муҳаммад Аввома таҳқики. Тақриб ат-таҳзиб. -Ҳалаб: "Дар ар-Рошид" нашриёти, 1408/1988.-Ж. I .-Б.347.

<sup>47</sup> Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Муҳаммад Аввома таҳқики. Ал-кашиф фий маърифати ман лаҳу риваятун фил кутуб ас-ситта..-Жидда/Саудия Арабистони: "Дар ал-қиблा лис-сақоғат ал-исламийя" нашриёти, 1413/1992.-Ж. I .-Б.666.

<sup>48</sup> Жамолиддин Абуфараж ибн Жавзий. Аҳмад ибн Али таҳқики. Сифат ас-соғва. -Қоҳира/Миср: "Дар ал-ҳадис" ишариёти, 1421/2000.-Ж. I I .-Б.216.

<sup>49</sup> Сулаймон ибн Халаф ибн ал-Моликий ал-Бажий. Аҳмад ал-Баззор таҳқики. Ат-таъдил вал тажриҳ лиман хоррожа анхул Бухорий..-Мағриб: Вақф ва ислом ишлари вазирлиги,-Ж. I I I .-Б.1054.

<sup>50</sup> Абӯҳасан Юсуф ал-Миззий. Башшор Аввод Маъруф таҳқики. Таҳзиб ал-камал фий асма ар-рижал. -Байрут/Ливан: "Муассасат ар-рисала" нашриёти, 1413/1992.-Ж. XX I V .-Б.113.

<sup>51</sup> Абӯҳасан Юсуф ал-Миззий. Таҳқиқ: Башшор Аввод Маъруф таҳқики. Таҳзиб ал-камал фий асма ар-рижал.. -Байрут/Ливан: "Муассасат ар-рисала" нашриёти, 1413/1992. .-Ж. XX I V .-Б.113

<sup>52</sup> Абӯҳасан Юсуф ал-Миззий. Башшор Аввод Маъруф таҳқики. Таҳзиб ал-камал фий асма ар-рижал.-Байрут/Ливан: "Муассасат ар-рисала" нашриёти, 1413/1992. .-Ж. XX I V .-Б.116.

<sup>53</sup> Муҳаммад ибн Ҳиббон ибн Аҳмад Абу Ҳотим. Шароғиддин Аҳмад таҳқики. Ас-сикот.-Байрут/Ливан: "Дар ал-ғикр" нашриёти, 1391/1975.Ж. VI I .-Б.354.

15. Муъаммар ибн Рошид ал-Аздий. Абу Урва ал-Аздий. Яман диёрининг олими. Ўз замонасининг пешқадам аҳли илмларидан бўлган. Басрада ҳадис айган, сиқа, сабт ва фазилатли ровий бўлган. Ҳижрий 154-йилда (мил.773.й.) вафот этган.<sup>54</sup>

16. Молик ибн Анас ибн Молик ибн Абу Омир ибн Амр ибн Ҳорис. Абу Абдуллоҳ ал-Асбахий ал-Маданий ҳофиз, уммат фақиҳи, шайхул ислом, ҳижрат диёри имомидир. Кўплаб ровийлардан ривоят қилган. Ундан ҳам саноқсиз имомлар ҳадис айтишган. Ҳижрий 179-йилда (мил.795.й.) вафот этган. Имом Молик ҳадис бобида имом бўлган.<sup>55</sup>

17. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Зухрий. У Ибн Шиҳоб аз-Зухрийнинг жияни бўлиб, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муслим ибн Шиҳоб ал-Маданий ал-Ансорийдир. Куняси Абу Абдуллоҳ, ривоятда ваҳмларга (хатоларга) эга, ростгўй ровий. Ҳижрий 154-йилда (мил.773.й.) вафот этган.<sup>56</sup>

18. Муҳаммад ибн Ажлон ал-Маданий. Фақиҳ, солиҳ инсон, ростгўй,<sup>57</sup> имом. Куняси Абу Абдуллоҳ. Фазилатли олим, сиқа ровий. Бир гурӯҳ ровийлардан ривоят қилган<sup>58</sup>. Ҳижрий 138-йилда (мил.757.й) Мадинаи мунаавварада вафот этган.<sup>59</sup>

19. Ҳишом ибн Ғоз ибн Робийҳа. Ҳишом ал-Журший. Куняси Абул Аббос. Бағдодда истиқомат қилган. Сиқа, ростгўй ва обид бўлган. Бир гурӯҳ ровийлардан ривоят қилган<sup>60</sup>. Ҳижрий 153-йилда (мил.772.й.) вафот этган.<sup>61</sup>

20. Абу Исъоқ Исмоил ибн Иброҳим ибн Уқба ибн Уқба ал-Мутриқий. Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳунинг авлодларининг мавлоси, ал-Қуроший, ал-Асадий, ал-Маданийдир. Халифа Маҳдий даврида вафот этган.<sup>62</sup>

21. Абу Ҳазра Яъқуб ибн Мужоҳид ал-Маданий. У Бану Маҳзум мавлоси бўлган. Мадинада ҳикоя айтувчи бўлган. Ҳижрий 150-йилда (мил.769.й) Искандарияда вафот этган.<sup>63</sup>

<sup>54</sup> Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Муҳаммад Аввома таҳқиқи. Ал-кашиф фий маърифати ман лаҳу риваятун фил кутуб ас-ситта..-Жидда/Саудиа Арабистони: “Дар ал-қиблла лис-сақоғат ал-исламийя” нашриёти, 1413/1992.-Ж. I I .-Б.282.

<sup>55</sup> Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Тазкирот ал-ҳуффоз.-Саудиа Арабистони: “Дару иҳя ат-туроғ ал-арабий” нашриёти, 1374/1954.-Б.207.

<sup>56</sup> Ибн Ҳажар Аҳмад ибн Усмон ал-Асқалоний. Муҳаммад Аввома таҳқиқи. Тақриб ат-таҳзиб..-Ҳалаб: “Дар ар-Рошид” нашриёти, 1408/1988.-Ж. I .-Б.866.

<sup>57</sup> Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Шайб Арнаут, Ҳусайн ал-Асад таҳқиқи. Сиари аълам ан-нубало..- Байрут/Ливан: “Муассасат ар-рисала” нашриёти, 1401/1981.-Ж. V I .-Б.217.

<sup>58</sup> Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Муҳаммад Аввома таҳқиқи. Ал-кашиф фий маърифати ман лаҳу риваятун фил кутуб ас-ситта..-Жидда/ Саудиа Арабистони: “Дар ал-қиблла лис-сақоғат ал-исламийя” нашриёти, 1413/1992.-Ж. I I .-Б.200.

<sup>59</sup> Бурхониддин Иброҳим ибн Али ибн Муҳаммад ал-Яъмурий. Муҳаммад Абунур таҳқиқи. Аддийбаж ал-музахҳаб фий маърифати аъяни улама ал-маэҳаб.-Қоҳира/Миср: “Дар ат-туроғ” нашриёти,-Ж. I .-Б.239.

<sup>60</sup> Ибн Саъд Муҳаммад ибн Маниъ ал-Басрий аз-Зухрий. Ат-тобақот ал-кубро.-Байрут/Ливан: “Дару Содир” нашриёти, 1405/1985.-Ж. V I .-Б.468.

<sup>61</sup> Абу Бақр Аҳмад ибн Али ал-Хатиб ал-Бағдодий. Тарихи Бағдод.-Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти,-Ж. I V .-Б.42.

<sup>62</sup> Исмоил ибн Иброҳим ал-Жўғий ал-Бухорий. Сайид Ҳошим ан-Надавий таҳқиқи. Ат-тарих ал-қабир..-Байрут/Ливан: “Дар ал-ғикр” нашриёти,-Ж. I .-Б.341.

<sup>63</sup> Ибн Абу Ҳотим Абдурахмон Муҳаммад ибн Идрис ар-Розий. Ал-жарҳ ват-таъдил. -Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, 1373/1953.-Ж. I X .-Б.215.

22. Саид ибн Башир ал-Аздий ал-Басрий. Куняси Абу Абдураҳмон. Асли Басралик, имом, муҳаддис ва ростгўй ровий. Ҳижрий 168-йилда (мил.785.й) вафот этган.<sup>64</sup>

23. Абу Муҳаммад Саид ибн Абдулазиз ибн Абу Яҳё. Имом ва Дамашқ муфтийси. Шом аҳлининг обид ва фақиҳларидан бири бўлган. Ҳижрий 167-йилда (мил.784.й) вафот этган.<sup>65</sup>

24. Абу Яҳё Ғавс ибн Сулаймон ибн Зиёд ал-Ҳазрамий. Халифа Мансур ва Маҳдий даврида уч маротаба Мисрга қози қилиб таъйинланган. Ҳижрий 168-йилда (мил.785.й) Маҳдийнинг халифалик даврида вафот этган.<sup>66</sup>

25. Абу Амр Муовия ибн Солиҳ ал-Ҳазрамий ал-Ҳимсий. Ҳофиз, имом ва сиқа ровий. Андалус диёри қозиси бўлган. Ҳижрий 158-йилда (мил.775.й) вафот этган.<sup>67</sup>

26. Абу Муҳаммад Валид Ибн Касир ал-Махзумий ал-Куфий. Бану Махзум уруғининг мавлоси, мағозий ва сиyr олими бўлган. Ҳижрий 151-йилда (мил.770.й) вафот этган<sup>68</sup>.

Юқорида келтириб ўтилганлардан Воқидийнинг устозларининг аксари Мадина аҳлидан ёки Мадинада яшаган кишилардан эканлиги ва уларнинг турли илм эгалари бўлганлигини кўришимиз мумкин. Бу ўринда Воқидий илмий бойликка эканлиги ва кўплаб соҳаларда бошқа тарихчилардан ажralиб турувчи олимлардан бўлганлигининг сири яққол намоён бўлади. Юқорида кўрганимиздек, Воқидийнинг устозларининг кўпчилиги сиқа ровийлар бўлган. Бу Воқидий эътимод қилиш имкони бўлган шайхлардан илм олишга ҳарис бўлганлигини кўрсатади. Бу эса кўп ҳолларда Воқидий ёзган асарларга нисбатан бизда ишонч уйғонишига сабаб бўлади.

### ШОГИРДЛАРИ

Ундан кўплаб шогирдлар илм олган бўлиб, уларнинг аксарияти исломий илм соҳаларида йетук даражаларга еришган. Уларнинг илм-маърифат ва тарих соҳасида машҳур бўлганлари қуйидагилар:

1. Муҳаммад ибн Саъд<sup>69</sup>.

2. Абу Бакр Муҳаммад ибн Исъҳоқ ас-Соғоний. Бағдод аҳлидан бўлган, ҳофиз, ҳужжат, Бағдод муҳаддиси, сиқа, сабт. Бир гурӯҳ ровийлардан ривоят қилган.<sup>70</sup> Ҳижрий 270-йилда (мил.833.й) вафот этган.<sup>71</sup>

<sup>64</sup> Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Шуайб Арнаут, Ҳусайн ал-Асад таҳқики. Сиари аълам ан-нубало.- Байрут/Ливан: "Муассасат ар-рисала" нашриёти, 1401/1981.-Ж. VI I.-Б.304.

<sup>65</sup> Муҳаммад ибн Ҳиббон ибн Аҳмад Абу Ҳотим. Шарофиддин Аҳмад таҳқики. Ас-сиқот.-Байрут/Ливан: "Дар ал-фикр" нашриёти, 1391/1975.-Ж. VI I.-Б.369.

<sup>66</sup> Жамолиддин Абулфараж ибн Жавзий. Муҳаммад Абдулқодир Ато таҳқики. Ал-мунтазам фий тарих ал-уммам вал-мулук.-Байрут/Ливан: "Дар ал-кутуб ал-илмийя" нашриёти, 1412/1992.-Ж. V I I I.-Б.299.

<sup>67</sup> Муҳаммад ибн Ҳиббон ибн Аҳмад Абу Ҳотим. Шарофиддин Аҳмад таҳқики. Ас-сиқот.-Байрут/Ливан: "Дар ал-фикр" нашриёти, 1391/1975.-Ж. VI I I.-Б.470.

<sup>68</sup> Ибн Саъд Муҳаммад ибн Маниъ ал-Басрий аз-Зухрий. Ат-тобақот ал-кубро.-Байрут/Ливан: "Дару Содир" нашриёти, 1405/1985.-Ж. I.-Б.398.

<sup>69</sup> Муҳаммад Исъҳоқ ибн Надим. Юсуф ат-Товил таҳқики. Ал-Фиҳрист.-Байрут/Ливан: "Дар ал-кутуб ал-илмийя" нашриёти, 1416/1969.-Б.142.

3. Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Мұхаммад ибн Абу Шайба. Ҳофиз Абу Бакр Абсий ал-Күфий, күплаб асарлар мұаллифи.<sup>72</sup>

4. Абу Убайд Қосим ибн Салом ал-Бағдодий, Азднинг мавлоси, фиқх ва луғатда уммат имомларининг бири. Фақих, қози, машхур адіб, күплаб асарлар мұаллифи. Олтмиш икки йил умр күрган. Ҳижрий 224-йилда (мил.839.й) вафот этган.<sup>73</sup>

5. Аҳмад ибн Ҳолил ибн Собит ал-Бағдодий ал-Баржуланий. Қуняси Ану Жаъфар. Баржуланий маҳалласида истиқомат қилған ва шу сабаб үнга нисбат берилған. Ҳижрий 277-йилда (мил.840.й) вафот этган.<sup>74</sup>

6. Абу Жаъфар Аҳмад ибн Убайд ибн Носиҳ ибн ал-Бағдодий ан-Наҳвий ал-Күфий. Бану Ҳошимнинг мавлоси, “Абу Усайба” қуняси билан машхур. Ривоятда заиф. Ҳижрий 273-йилда (мил.837.й)<sup>75</sup> вафот этган.

7. Абу Бакр Аҳмад ибн Мансур ибн Сайёр ал-Бағдодий ар-Ромадий. Ҳофиз, сиқа ровий. Бир гурӯҳ ровийлардан ривоят қилған<sup>76</sup>. Мұснад асарини ёзған<sup>77</sup>. Ҳижрий 265-йилда (мил.828.й) вафот этган.<sup>78</sup>

8. Ҳорис ибн Мұхаммад ибн Абу Усома ал-Бағдодий. Ироқ мұсниди. Қуняси Абу Мұхаммад ат-Таймий. Ҳофиз, сиқа ровий. Ҳижрий 282-йилда (мил.895.й) вафот этган.<sup>79</sup>

9. Абу Ҳассон Ҳасан ибн Усмон ибн Ҳаммод аз-Зиёдий ал-Бағдодий. Сиқа ровий, фазилатли олим. Бир гурӯҳ ровийлардан ешитған.<sup>80</sup> Маърифат, ишонч ва омонат аҳлидан бўлған.<sup>81</sup> Ҳижрий 242-йилда (мил.856.й) вафот этган.<sup>82</sup>

10. Абу Айюб Сулаймон ибн Довуд Шозқуний ал-Манқирий ал-Басрий. Ироқ аҳлидан ривоят қилған, ҳофизлардан бири. Бироқ у заиф ривоят билан ҳам танилған. Ҳижрий 234-йилда (мил.848.й) вафот этган.<sup>83</sup>

<sup>70</sup> Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Захабий. Тазқирот ал-хұффоз.-Саудия Арабистони: “Дару иқя ат-турас ал-арабий” башириёті, 1374/1954.-Ж. I I .-Б.573.

<sup>71</sup> Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Захабий. Тазқирот ал-хұффоз. -Саудия Арабистони: “Дару иқя ат-турас ал-арабий” башириёті, 1374/1954.-Ж. I I .-Б.573.

<sup>72</sup> Ибн Ҳажар Аҳмад ибн Али ал-Асқалоний. Мұхаммад Аввома таҳқиқи. Тақриб ат-таҳзиб..-Ҳалаб: “Дар ар-рошид” нашриёти, 1408/1988.-Ж. I .-Б.540.

<sup>73</sup> Абулхасан Юсуф ал-Миззий. Башшор Аввод Маъруф таҳқиқи. Таҳзиб ал-камал фий асма ар-рижал..-Байрут/Ливан: “Муассасат ар-рисала” нашриёти, 1413/1992.-Ж. XX I I I .-Б.354.

<sup>74</sup> Ал-хатиб Аҳмад ибн Али Абу Бакр ал-Бағдодий. Тарихи Бағдод.-Байрут/Ливан: “Дар ал-қутуб ал-илмий” нашриёти, -Ж. I V .-Б.133.

<sup>75</sup> Яқут ибн Абдуллоҳ ал-Ҳамавий. Мұтъжам ал-адибба.-Миср: “Дар ал-Маъмун” нашриёти, -Ж. I .-Б.465.

<sup>76</sup> Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Захабий. Мұхаммад Аввома таҳқиқи. Ал-кашиф фиймаърифати ман лаҳу риваятун фил қутуб ас-ситта. Мұхаммад Аввома.-Жидда/Саудия Арабистони: “Дар ал-қибла ис-сақоғат ал-исламий” нашриёти, 1413/1992.-Ж. I .-Б.204.

<sup>77</sup> Жалолиддин Абдурәхмон ибн Абу Бакр ас-Суютий. Тобакот ал-хұффоз -Байрут /Ливан: “Дар ал-қутуб ал-илмий” нашриёти, 1403/1982.-Ж. I .-Б.255.

<sup>78</sup> Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Захабий. Мұхаммад Аввома таҳқиқи. Ал-кашиф фиймаърифати ман лаҳу риваятун фил қутуб ас-ситта.-Жидда/Саудия Арабистони: “Дар ал-қибла ис-сақоғат ал-исламий” нашриёти, 1413/1992.-Ж. I .-Б.204.

<sup>79</sup> Ал-хатиб Аҳмад ибн Али Абу Бакр ал-Бағдодий. Тарихи Бағдод.-Байрут/Ливан: “Дар ал-қутуб ал-илмий” нашриёти, -Ж. I V .-Б.218.

<sup>80</sup> Ал-хатиб Аҳмад ибн Али Абу Бакр ал-Бағдодий. Тарихи Бағдод.-Байрут/Ливан: “Дар ал-қутуб ал-илмий” нашриёти, -Ж. V I I .-Б.357.

<sup>81</sup> Ал-хатиб Аҳмад ибн Али Абу Бакр ал-Бағдодий. Тарихи Бағдод.-Байрут/Ливан: “Дар ал-қутуб ал-илмий” нашриёти, -Ж. V I I .-Б.356.

<sup>82</sup> Жамолиддин Абдурәхмон Абулфараҳ ал-Жавзий. Мұхаммад Абдуқодир Ато таҳқиқи. Ал-мұнтағазам фий тарих ал-умам вал мулук..-Байрут/Ливан: “Дар ал-қутуб ал-илмий” нашриёти, 1412/1992.-Ж. X I .-Б.297.

<sup>83</sup> Мұхаммад ибн Ҳиббон ибн Аҳмад Абу Хотим. Шарофиддин Аҳмад таҳқиқи. Ас-сикот.-Байрут/Ливан: “Дар ал-ғикр” нашриёти, 1391/1975.-Ж. V I I I .-Б.279.

11. Абу Бакр ал-Азрақ Мұхаммад ибн Фараж ибн Мұхаммад. Ироқ ахлидан бўлган, ростгўй ровий. Бир гурӯҳ ровийлардан ривоят қилган<sup>84</sup>. Ривоят қилган ҳадислари саҳиҳ, ривоятлари мустақим.<sup>85</sup> Ҳижрий 281-йилда (мил.894.й) Мұхаррам ойида Бағдодда вафот этган<sup>86</sup>.

12. Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Шужаъ ибн Салжий ал-Бағдодий. Ибн Салжий номи билан машҳур. Ироқ ахлининг фақиҳи. Бир гурӯҳ ровийлардан ривоят қилган<sup>87</sup>. Ҳижрий 266-йилда (мил.879.й) вафот этган.<sup>88</sup>

13. Мұхаммад ибн Яҳё ибн Абдукарим ибн Нофеъ ал-Аздий. Куняси Абу Абдуллоҳ, Ибн Абу Ҳотим ал-Басрий номи билан танилган. Бағдодда келиб яшаган. Ҳижрий 252-йилда (мил.866.й) вафот этган.<sup>89</sup>

14. Абу Бакр Аҳмад ибн Валид ибн Абулвалид ал-Фаҳҳом ал-Бағдодий. Сиқа ровий, бир гурӯҳ ровийлардан ривоят қилган<sup>90</sup>. Ҳижрий 273-йилда (мил.886.й) Робиъул ахир ойида вафот этган<sup>91</sup>.

15. Юсуф ибн Холид ибн Умайр ас-Самтий. Куняси Абу Холид ал-Басрий ал-Қуроший. Бану Лайс қавмининг мавлоси ёлғон ривоят қилиш билан айбланган. Бир гурӯҳ ровийлардан ривоят қилган<sup>92</sup>. Ҳижрий 189-йилда (мил.801.й) Ражаб ойида вафот этган<sup>93</sup>.

Юқоридаги устоз ва шогирдларининг ададига қарайдиган бўлсак, Воқидийнинг ўз замонасида таълим олиш ва бериш, илқо қилиш ҳамда таълиф қилиш борасидаги илмий ҳаракатларда юксак шуҳрат қозонгандигини кўришимиз мумкин.

### **ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлар кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидағи нутқи // “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 19 октябрь.

<sup>84</sup> Ал-хатиб Аҳмад ибн Али Абу Бакр ал-Бағдодий. Тарихи Бағдод.-Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, -Ж. I I I .-Б.153.

<sup>85</sup> Ал-хатиб Аҳмад ибн Али Абу Бакр ал-Бағдодий. Тарихи Бағдод.-Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, -Ж. I I I .-Б.159.

<sup>86</sup> Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Д.Умар Абдуссалом Тадмурий таҳқики. Тарих ал-ислам ва вафаят ал-машҳир вал аълам.-Байрут/Ливан: “Дар ал-китаб ал-арабий” нашриёти.-Ж. XX I .-Б.285.

<sup>87</sup> Ибн Ҳажар Аҳмад ибн Али ал-Аскалоний. Таҳзиб ат-таҳзиб-Байрут/Ливан: “Дар ал-фикр” нашриёти, 1404/1984.-Ж. I X .-Б.195.

<sup>88</sup> Жамолиддин Абулфараж ибн Жавзий. Абдулқозий таҳқики. Аз-зуъфа вал матрукин.-Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, 1406/1986.-Ж. I I .-Б.70.

<sup>89</sup> Ал-хатиб Аҳмад ибн Али Абу Бакр ал-Бағдодий. Тарихи Бағдод. -Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, -Ж. I I .-Б.414.

<sup>90</sup> Ал-хатиб Аҳмад ибн Али Абу Бакр ал-Бағдодий. Тарихи Бағдод. -Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, -Ж. V .-Б.188.

<sup>91</sup> Муъиниддин Мұхаммад ибн Абдулғоний ибн Нұқта. Такмилат ал-икмал. Таҳқик: Абдулқайюм Абдураб ан-набиӣ.-Макка/Саудия Арабистони: “Умм ал-қуро” университети, 1410/1991.-Ж. I V .-Б.469.

<sup>92</sup> Ибн Абу Ҳотим Абдурахмон Мұхаммад ибн Идрис ар-Розий. Ал-жарҳ ват-таъдил.-Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, 1373/1953.-Ж. I X .-Б.221.

<sup>93</sup> Ибн Саъд Мұхаммад ибн Маниъ ал-Басрий аз-Зухрий. Ат-тобакот ал-кубро.-Байрут/Ливан: “Дару Содир” нашриёти, 1405/1985.-Ж. V I .-Б.292.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарлари кенгаши йиғилишидаги нутқи // “Халқ сўзи” газетаси, 2022 йил 12 ноябрь.
3. V.M.Zaporozhets. The Seljuks. – Hannover: the European Academy of Natural Sciences e.V., 2012. – 321 p.
4. Ibn Asir. الکامل فی التاریخ (Al-Komil fit-tarix), VIII juz. – Beirut-Lebanon: Dar Al-Kotob Al-Ilmiyah, 2003. – 532 b.
5. Imam al-Hofiz Abul Fado Ismoil ibn Kasir al-Qurayshiy ad-Dimashqiy. البداية و النهاية (Al-Bidayatu van-nihaya). al-Giza (Misr): Hajr, 1998.
6. Maqriziyy. السلوک لمعرفة دول الملوك (As-Suluk lima'rifati duvalil-muluk), I juz. Beirut-Lebanon: Dar al-kotob al-ilmiyah, 1997. – 566 b.
7. Shamsuddin Muhammad bin Ahmad Usmon az-Zahabiy. سیر اعلام النبلاء (Siyar a'lamu an-nubala), XXIII juz. Beirut-Lebanon: Baytul-afkor ad-davliyya. 2004.
8. Ahmed bin Mahmud. Selçuk-Name, 1-2.cilt. – İstanbul: Kervankibatçılık basın sanayiesticaret A.Ş., 1977. – 202 s.
9. Ali Sevim. İbnül-Kalânisinin Zeylü tarih-i Dimaşk adlı eserinde Selçuklularla ilgili bilgiler // Türk tarih belgeleri dergisi. Cilt: XXIX, Sayı: 33. 2008. – S. 1-42
10. Muharrem Kesik. Sultan Alp Arslan'ın Liderlik Vasıfları // İnsan ve Toplum Bilimleri Dergisi, Sayı4. 2014. – S. 43-52.
11. Muhammed Kemaloğlu. XI.-XIII. yüzyıl Türkiye Selçuklu devletinde eğitim-öğretim (medreseler) // Akademik Tarih ve Düşünce Dergisi. Cilt:2, Sayı:5. 2015. – S. 62-79.
12. Prof. Dr. Muharrem Kesik. Selçuklular tarihi. – İstanbul: İstanbul üniversitesi Açık ve uzaktan eğitim fakültesi, 2010. – 374 s
13. Prof. Dr. Faruk Sümer. Oğuzlar. – Ankara: Ankara üniversitesi basimevi, 1972. – 574 s.
14. Prof. Dr. Osman Turan. Selçuklular Tarihi ve Türk-İslam Medeniyeti. – İstanbul: Turan neşriyat yurdu, 1969. – 492 s.

#### ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР:

1. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нодир қўлёзмалар бўлими сайти <http://nodir.natlib.uz:8095/uz-Cyrl-UZ>
2. Ўзбекистон тарихий ва илмий-адабий манбалар сайти <http://ziyonet.uz/>